O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 19 декабрь, № 245 (4655) Жума



*18 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Солиев тақдим этди. Қонун лойиҳаси почта алоқаси соҳасидаги жаҳон бозорининг ҳозирги замон тамойилларига мувофиқ мамлакатимизда почта алоқасини ривожлантиришнинг қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилгандир. Ҳужжатда, хусусан Ўзбекистонда ривожланиб бораётган курьерлик хизматлари бозорининг ҳуқуқий мақоми, почта алоқаси хизматлари сифатига қўйиладиган талаблар белгиланган.

Қонун лойиҳасини батафсил муҳокама қилиш чоғида депутатлар алоҳида ҳуқуқий нормаларни аниқлаштиришга қаратилган қатор таклифлар киритдилар. Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди ва у маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси F. Сафаров «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Мазкур тузатишлар баҳолаш ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш нормаларини, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини, тарафларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини, ушбу соҳадаги бошқа масалаларни янада аниқроқ белгилаш мақсадида киритилган.

Савол-жавоблардан сўнг ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди, муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқулладилар ва масъул қўмитага уни учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширдилар.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Р. Ҳаитов «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Қонун лойиҳасида мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш соҳасида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ваколатли давлат органи ва Мудофаа вазирлигининг стандартлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш борасидаги ҳуқуқлари белгиланган.

Ҳужжатнинг батафсил муҳокамаси чоғида депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга доир қатор таклифлар киритдилар. Киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Қонунни қабул қилдилар, у маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С. Аҳмедованинг маърузаси юзасидан депутатлар «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонунларнинг атамалар ва таърифларни бир хиллаштириш ҳамда уларни бир хил тарзда қўллашга доир қисмига ўзгартишлар киритиш таклиф этилди. Мазкур ҳужжат қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги амалдаги ҳуқуқий нормалар чуқур таҳлил қилинганидан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

Депутатлар томонидан киритилган таклифларни муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Б. Юсупов «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция ратификация қилинганлиги ҳамда унинг айрим нормаларини миллий қонун ҳужжатларига сингдириш зарурати муносабати билан, шунингдек, бу соҳада тўпланган ўз иш тажрибамизни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Унда номоддий маданий мерос объектларини талқин қилиш билан боғлиқ нормалар қайта кўриб чиқилган, номоддий маданий мерос объектларини сақлаш ва тиклаш чора-тадбирлари тўғрисида янги қоидалар белгиланган.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида депутатлар мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ўзбек халқининг кўп асрлик маданий ва маънавий меросининг моддий ҳамда номоддий намуналарини тиклаш, сақлаш ва тарғиб қилиш борасида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилганлигини таъкидладилар. ЮНЕСКОнинг Оғзаки ва номоддий маданий мерос шоҳ асарлари рўйхатига Ўзбекистон номоддий маданий меросининг иккита намунаси — Бойсун тумани маданий мероси ва «Шашмақом» мусиқа анъаналари киритилганлиги бежиз эмас.

Мазкур ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси унинг асосий қоидаларини маъқуллади ва биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Қ. Тошматов томонидан тақдим этилган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу ўзгартишлар жорий йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганлиги билан боғлиқдир. Мазкур Фармонда омонатлар миқдорларидан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатларини тўлиқ ҳажмда қоплашни назарда тутиш тартиби белгиланган.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси батафсил муҳокамадан сўнг Қонунни қабул қилди, у маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

(ЎзА).

# ИСТИҚЛОЛ ЗИЁСИДАН БАҲРАМАНД ЗАМИН



Баҳтиёр АКРАМОВ олган сурат.

**Буюк мутафаккир Алишер Навоий номи билан аталувчи шаҳар аҳли қувончу шодликлар оғушида. Қип-қизил яйдоқ чўл бағрида қад ростлаб, қисқа давр ичида дунёга танилган бу масканда саксондан ортиқ миллат ва элат**

**Ифтихор**

**вакиллари аҳил ва иноқ яшаб, саноат, қурилиш, маданият соҳаларида мислсиз ютуқларни қўлга киритмоқдалар.**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 июлдаги "Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллигига пухта тайёргарлик кўриш ва уни кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарори халқимизнинг бунёдкорлик ишларига юксак эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.**

(Давоми 2-бетда).

***17 декабрь куни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг Ташқи сиёсат масалалари қўмиталари томонидан ташкил этилган «Халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда парламентлараро алоқаларнинг роли» мавзуидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.***

## ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР

Семинарда қайд этилганидек, Ўзбекистонда икки палатали парламент шакллантирилган вақтдан бошлаб парламентлараро алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу давр ичида бундай алоқалар географияси анча кенгайди. Сенатда ва Қонунчилик палатасида икки юзга яқин делегация, шу жумладан, парламент ва ҳукумат делегациялари, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг вакиллари қабул қилинди. Парламентлараро мулоқотни йўлга қўйиш ва фаоллаштириш мақсадида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг бир қанча чет мамлакатларга кўп сонли ташрифлари амалга оширилди. Бу жиҳатдан шу йил ноябрь ойида Брюссель шаҳрида "Ўзбекистон — ЕИ" парламент ҳамкорлиги қўмитасининг навбатдаги еттинчи мажлиси ўтказилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Семинар иштирокчилари ҳозирги кунда парламентлараро алоқалар тобора кўпроқ давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларнинг муҳим ва ажралмас таркибий қисмига айланиб бораётганлигини таъкидладилар. Бу алоқалар ҳозирги халқаро муносабатларнинг мазмуни, даражаси, динамикаси ва ривожланиш истиқболларига катта таъсир кўрсатмоқда. Парламентлар ўртасидаги доимий алоқалар ўзаро ишончни, ҳамфикрликни шакллантириш ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг таъсирчан омилларидан бири сифатида давлатлараро муносабатларнинг чуқур ривожланиш кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда, уларнинг йўлга қўйилганлиги ва мунтазамлиги эса давлатлар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришдан ўзаро манфаатдор эканлигининг далилидир.

Парламент аъзоларининг кенг доирадаги масалалар юзасидан мунтазам мулоқоти доимий тус олиши натижасида «парламент дипломатияси» деган нисбатан янги тушунча пайдо бўлди. Бу дипломатия аста-секин халқаро алоқаларни амалга оширишнинг муҳим каналларидан бирига айланиб боришдан ташқари, халқаро нормалар ва қоидаларни давлатларнинг ҳуқуқий ҳужжатларига имплементация қилиш омили ҳам бўлиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳамма соҳаларда халқаро ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор вазифасини ҳам ўтайди.

Сўзга чиққанларнинг фикрича, парламентлараро алоқалар шакли ва усулларининг назарий масалалари халқаро муносабатлар соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш учун ғоят кенг имкониятлар очиб беради ва бу тадқиқотлар олий ўқув юртларида ўрганилиши мумкин.

Тадбирда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари, олимлар ҳамда олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

## ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

***Ўзбекистонда "General Motors" корпорацияси билан ҳамкорликда двигателлар ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона ташкил этилди. "General Motors Powertrain Uzbekistan" номли янги завод қурилиши бошланди.***

Ўзбекистонда двигателлар ишлаб чиқарадиган янги завод барпо этилади. "General Motors" корпорацияси ва "Ўзавтосаноат" акционерлик компанияси ички бозор ҳамда экспорт учун мўлжалланган двигателлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этилгани ва завод қурилиши бошланганини эълон қилди.

"General Motors Powertrain Uzbekistan" ёпиқ акционерлик жамияти — Америка корпорацияси ва "Ўзавтосаноат" ҳамкорлигида ташкил этилган иккинчи қўшма корхонадир. Мамлакатимизда автомобиллар ишлаб чиқарадиган "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси 2007 йилнинг октябридан буён муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

"GM Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонаси асосан 1, 1.2, 1.4 ва 1.5 литр ҳажмли двигателлар ишлаб чиқаради. Завод йилига 360 мингта двигатель ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Янги қўшма корхонада 1200 та янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу аҳоли бандлиги даражасини ошириш билан бир қаторда, Асака шаҳридаги заводда автомобиллар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун имконият яратади.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида барпо этиладиган мазкур заводни 2011 йилнинг 30 мартида ишга тушириш режалаштирилган. Янги қўшма корхона мустақил корхона бўлиб, "GM Uzbekistan" билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

— "General Motors" корпорацияси Ўзбекистон томони билан ўрнатилган амалий ҳамкорлик алоқаларини юксак баҳолайди, — деди "GM Powertrain Europa" вице-президенти Майк Аркамоне. — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовдан ушбу лойиҳани шахсан қўллаб-қувватлагани, яратилган қулай инвестиция муҳити учун ғоят миннатдор эканимизни изҳор этмоқчиман. Бу музокара жараёнини тез ҳамда муваффақиятли якунлаш ва қўшма корхона ташкил этишда ҳал қилувчи омил бўлди.

(ЎзА).

## РИЗҚУ РЎЗИМИЗ БАРАКАСИ

***Тошкент вилояти катта иқтисодий салоҳиятга эга. Унинг замини қимматбаҳо металлар ва ноёб қурилиш материалларига ниҳоятда бой. Иқлими ва ер шароити эса деҳқончилик учун ўнғайки, турли экинлардан мўл ҳосил етиштириш ҳадисини олган миришкорлар жуда кўп.***

**Дил сўзи**

Президентимиз Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида шуларни алоҳида таъкидлаб, вилоят аҳли турли соҳаларда эришган ютуқларни мамнуният билан тилга олди. Ўз навбатида, йўл қўйилган хато-камчиликлар хусусида куюниб гапирди ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини атрофлича таҳлил қилиб берди. Айниқса, ерни эъзозлаш зарурлигини, уни ҳеч қачон деҳқончилик илмидан йироқ "чаққонлар" қўлига бериб қўймаслик лозимлигини қайта-қайта уқтирди.

Албатта, бу бежиз эмас. Ер барча бойликларнинг битмас-туганмас манбаи ҳисобланади. У ҳақиқий эгасини топса, саховатини аямайди. Беминнат хазинага айланиб, деҳқонни бойитади. Деҳқон бойиса, эл бойийди, аҳолининг даромади ошиб, турмуши яхшиланади. Шаҳар-қишлоқларимиз гуллаб-яшнайди. Умр бўйи ер билан тиллашиб келаётган деҳқон, 32 йил давомида хўжалик бош муҳандиси ва раҳбари бўлиб ишлаган мутахассис, қолаверса, вилоят ва туман кенгашларининг депутати сифатида мен буни жуда яхши биламан. Мамлакат ободлиги кўп жиҳатдан қишлоқлар тараққиёти ва фаровонлиги билан боғлиқлигини чуқур ҳис этаман. Шу боис Юртбошимизнинг аграр соҳадаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, фермерликни янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини астойдил қўллаб-қувватлайман. Бунинг учун фермерларга бошқалар қаторида агрофирмалар ҳам том маънода мададкор бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. Ана шунда кўп муаммолар ечим топади.

Бир мисол. Сўнгги пайтларда мен ўзим яшайдиган Қуйичирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли "Агродавриэси" агрофирмасига раҳбарлик қилаяпман. Жамоамиз 14 та фермер хўжалигига уруғлик ва маъданли ўғитлар етказиб беришда, экинларни парваришлаш ҳамда турли касаллик ва зараркунандаларга қарши курашишда яқиндан ёрдамлашаяпти. Машина-трактор паркимиздаги турли техникалар ва 12 та замонавий комбайн ерга ишлов бериш, етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай саранжомлаб олишда қўл келаётир. Натижада ушбу фермер хўжаликлари пахта, буғдой ва шолидан мўл ҳосил кўтариб, зиммаларидаги режаларни ортиғи билан бажаришаяпти. Шунга яраша мўмай даромад олишаяпти. Гуруч оқлайдиган иккита тегирмонимиз ва дурадгорлик цехимиз ҳам ҳудуддаги еттита қишлоқ аҳлининг мушкулини осон қилаяпти.

Бинобарин, турли жабҳаларда муваффақиятларга эришиш, аввало, ўзимизга боғлиқ. Биз шуни эсдан чиқармаслигимиз, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида барчамиз Юртбошимизга камарбаста бўлишимиз, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишимиз керак. Шундагина эзгу ниятларимиз ушалади, юртимиз тараққиётнинг янги чўққиларини забт этаверади.

**Турсунхўжа ИСКАНДАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**



## Давлат дастурининг мўъжизалари

**2008** йил давомида мамлакатимизда **1875** та умумтаълим мактаби тубдан янгиланганн натижасида замонавий кошоналарга айланиб, шаҳару қишлоқларимиз кўркини янада очиб юборди.

**Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури, шу тариқа, босқичма-босқич ўз мўъжизаларини намоён этмоқда.**

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш мақсадида жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, айниқса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишни таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Эътиборга молик жиҳати шуки, суд идоралари ваколатларини кенгайтиришга қаратилган ислоҳотлар ҳозирда ҳам изчил давом этмоқда, зарур қонун ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилаётир. Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган “Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун ҳам мана шу мақсадлар бардавомлигини таъминлайди. Мухбиримиз мазкур Қонуннинг аҳамияти хусусида Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда РАЖАБОВА билан суҳбатлашди.***

# АМНИСТИЯ АКТИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

— Маълумки, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштиришдан кўзланган асосий мақсад одил судлов тизимини бундан-да такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўси ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йўли билан фуқаролар ҳуқуқларини самарали ҳимоялашдир, — дейди сенатор. — Парламент юқори палатаси Конституциямизнинг 80-моддасида белгилаб берилган мутлақ ваколатлари доирасида шу вақтга қадар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим саналардан ҳисобланган Мустақиллик ёки Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, тўрт маротаба амнистия тўғрисида қарорлар қабул қилди. Шу йилнинг 28 август куни “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Сенат қарори қабул қилинганида мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида сенаторлар томонидан алоҳида қарор қабул қилинган эди. Ушбу Низом билан амнистия ҳужжати қоидалари доирасига тушувчи ҳар қандай шахсни фақат суд ажримига биноан жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод этиш амалиёти жорий этилди.

Сенат томонидан қабул қилинган Низом талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб “Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини парламент қуйи палатасига киритган. Мазкур ҳужжат Қонунчилик палатаси томонидан бир неча ўқишда қабул қилинган ва Сенатга юборилган. Хабарингиз бор, Қонунни юқори палатанинг ўн олтинчи ялпи мажлиси доирасида сенаторларимиз маъқуллашди.

**— Мавжуда Абдуллаевна, Қонун қандай ҳуқуқларни эътироф этади?**

— Мазкур Қонун тўртта моддадан иборат бўлиб, унинг биринчи моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидаги ўн саккизта моддага қўшимча ва ўзгартишлар киритилган. Аввалямбор, суднинг ваколатларига дахлдор Жиноят-процессуал кодекси 29-моддаси “прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқади”, деган жумлалар билан тўлдирилган, яъни судлар ваколати кенгайтирилди. Бундан ташқари, ҳукм, ажрим ва қарорларни ижро этишда юзага келган масалаларни ҳал қилишни назарда тутган 59-боб янги 536[1]-модда, яъни маҳкумни амнистия актига асосан жазодан озод қилиш тартибини белгиловчи янги норма билан тўлдирилган. Унга кўра, маҳкумга амнистия актини қўллаш прокурорнинг илтимосномасига биноан маҳкумнинг жазони ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан амалга оширилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси амнистия актини қўллашни тартибга солувчи қатор моддаларни ўз ичига олган янги 63-боб билан тўлдирилган.

▼ **Сенатда маъқулланган**

Ишни судга қадар юритиш босқичларида, жумладан, терговга қадар ёки дастлабки тергов жараёнида, яъни жиноят иши қўзғатилгунча ёхуд жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари ўтказилаётганида, амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлса, суриштирувчи, терговчи иш қўзғатишни рад этиш ёки ишни тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга мурожаат этади. Бундай ҳолларда суд томонидан амнистия актини қўллашда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг рози экани тўғрисидаги ариза ишга қўшилиши Жиноят-процессуал кодексининг 587-моддасида акс эттирилган.

**— Қонунга кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг процессуал муддатларга риоя қилиш тартиби янада аниқлаштирилибди...**

— Ҳа, шундай. Суриштирув ёки тергов органи 3 ёхуд 10 суткада материал ёки жиноят ишини прокурорга, прокурор агар амнистия актини қўллаш лозим деган хулосага келганда эса, материаллар ёки жиноят иши унга келиб тушган кундан эътиборан беш суткадан кечиктирмай, судга юбориши лозим. Ўз навбатида, суд ўн сутка ичида материал ёки ишни суд мажлисида кўриб чиқади. Бу масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, суд муҳокамасида қабул қилинган ажрим агар гумон қилинувчи ёки айбланувчи қамоқда бўлса, дарҳол ижро этилиши лозим. Агар суд мажлиси давомида амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд эмаслиги аниқланса, суд терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини умумий қоидалар бўйича тегишинча терговга қадар текширув ўтказиш ёки дастлабки тергов ишини юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

Шунингдек, туман ёки шаҳар суди ўзига юборилган материал ёхуд иш юзасидан амнистия актини қўллаш тўғрисида ажрим чиқариши шарт, деб тушунмаслик керак. Чунки, Жиноят-процессуал кодексига киритилган янги 591-модданинг тўртинчи қисмига биноан, суднинг ажримига нисбатан шахс ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг ҳимоячиси, қонуний вакиллари хусусий шикоят ва прокурор хусусий протест келтириши мумкин.

Мазкур Қонуннинг 2-моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексидаги “Жазодан амнистия ёки афв акти асосида озод қилиш тартиби” деб номланувчи 166-модда янги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилган. Унга биноан, жазони ижро этувчи муассаса маъмурияти маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани судга киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориши шарт.

Баён этилган тартиб-таомиллардан келиб чиққан ҳолда, Қонуннинг 3-моддасига асосан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси, шунингдек, 28-моддаси ва 31-моддалари ўзгартирилиб, прокурорнинг амнистия актини қўллаш билан боғлиқ ваколатларига аниқлик киритилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг маъқулланиши амнистия актини фақат судлар томонидан қўллаш амалиётини жорий этиш билан боғлиқ тўла ҳуқуқий механизмнинг яратилишига имкон туғдиради ва ўз навбатида, суд ҳокимияти ваколатини янада кенгайтиради. Энг муҳими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг суд орқали ҳимоя қилинишига аниқ шароит яратиб беради.

**Қ. ХИДИРОВ**
**суҳбатлашди.**

# «ЯНГИ АВЛОД» ИСТЕЪДОДЛАРИ



***Ўзбекистон Давлат консерваториясида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Камалак” болалар ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилаётган “Янги авлод – 2008” болалар ижодиёти фестивали республика босқичининг очилиши бўлиб ўтди.***

Шу муносабат билан ушбу муҳташам саройга фестивалнинг якуний босқичи иштирокчилари, таълим, маънавият ва маърифат, маданият, санъат намояндалари таклиф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ғ. Шоумаров, “Камалак” болалар ташкилоти раиси О. Жамолиддинова, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси Б. Шаропов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўсиб келаётган авлод камолоти ва истиқболи йўлида ғамхўрлик кўрсатиш, уларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Ёшлар истеъдодини аниқлаш ва рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, янги ижодий ютуқлар сари даъват этиш каби улуғвор мақсадлар Президентимизнинг қарорларида, давлат дастурлари ва қонунларда ўз ифодасини топгандир.

**2008 йил — Ёшлар йили**

Ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ қилинаётгани туфайли барпо этилаётган таълим-тарбия муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, маънавият ва маърифат даргоҳлари, санъат ва маданият масканлари, болалар бадиий ижодиёт марказлари ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга пухта билим ва тарбия бериш, маънавиятини юксалтириш, бадиий-эстетик дидини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда юртимизда ўтказилаётган кўплаб кўрик-танловлар, ижодий фестиваллар, бадиий кўргазмалар ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон санъатининг нодир дурдоналаридан баҳраманд бўлишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Бу каби эзгу ишларга «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўқувчи-ёшлар орасида тобора оммалашиб бораётган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали бунинг далилидир. Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар иштирок этувчи ушбу фестивалда дастлаб уч юз нафардан зиёд ўғил-қиз қатнашган бўлса, «Янги авлод – 2008»нинг илк босқичлари ўн олти мингдан ортиқ ёшни қамраб олди. Беллашувнинг якуний босқичида эса, беш юздан ортиқ истеъдод эгаси ўз маҳоратини кўрикдан ўтказмоқда.

Фестиваль иқтидорлиларнинг чинакам янги авлодини кашф этиши, ўғил-қизларни янги-янги ижодий марраларга сари илҳомлантириши баробарида уларнинг салоҳиятини халқаро миқёсда намойиш этишга ҳам хизмат қилмоқда. Фестивалда ғолиб чиққан болалар ҳамда мусиқий жамоалар нафақат республика, балки хорижда ўтказилаётган турли танловлар, ижодий фестиваллар, болалар расмлари биенналеси, концертларда муваффақият қозонаётгани бунинг далилидир.

Ўн уч ёшли Назира Турдимуродова Нукус шаҳридаги 9-мактабда таҳсил олади. Мазкур фестивалда у «Гулойим» рақс жамоаси таркибида иштирок этмоқда.

— «Янги авлод»да қатнашиш, Тошкентда бўлиш ҳар бир ўқувчининг орзуси, — дейди Назира. — Санъат байрами бизга азим пойтахтимизга келиш, ўз санъатимиз, маҳоратимизни намойиш этиш, кўплаб дўстлар орттириш имконини бермоқда. Биз ушбу фестивалга дугоналарим билан «Хур гўзаллар» қорақалпоқ миллий рақсини тайёрлаб келдик. Юртимиз болалари орасида катта эътиборга эга бундай тадбирда иштирок этаётганимиздан бехад хурсандмиз.

— Менинг Тошкентга биринчи марта келишим, — дейди Жиззах шаҳридаги 19-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Шаҳзод Азизов. — «Янги авлод» фестивалининг якуний босқичига чиққанимдан ота-онам, устозларим, ўртоқларим ҳам жуда хурсанд бўлди. Биз фестивалда «Ниҳол» бадиий жамоаси таркибида қатнашаяпмиз. Пойтахтимиздаги майдонлар, кўркам бинолар, санъат саройлари, музейларни кўриб лол қолдим.

Зебинисо Давлатова Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 41-мактаб ўқувчиси. У фестивалда она-Ватан, истиқлол, азим Тошкент ҳақидаги туркум шеърлари билан қатнашмоқда. Зебинисонинг айтишича, «Янги авлод» унга фақат шеърият эмас, балки рақс, миллий ва мумтоз мусиқа ижрочилиги, хонандалик, тасвирий ва амалий санъат каби йўналишларда ҳам юртимизнинг барча вилоятларида изланаётган тенгдошларининг ижоди билан яқиндан танишиш, устоз адиб ва шоирлар ижоди, сабоқларидан баҳра олиш имконини бермоқда.

Фестивалнинг бир ҳафта давом этадиган якуний босқичи доирасида турли учрашувлар, кўргазмалар, ижодий мулоқотлар, экскурсиялар, концертлар, маҳорат сабоқлари бўлиб ўтади. Бу эса юртимизда ёшлар истиқболи йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

▼ **Семинар**

*Ўзбекистон Банклари ассоциациясида давлатимиз раҳбарининг миллий молия бозоримизни янада ривожлантиришга қаратилган фармонлари ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Республика Марказий банки томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиздаги тижорат банклари раҳбарлари ҳамда молия соҳаси вакиллари иштирок этди.*

# Молия бозорига эътибор

Йиғилишда Президентимизнинг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони аҳамияти хусусида сўз борди. Мазкур ҳужжатда назарда тутилган муҳим вазифаларни амалга ошириш банклар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Юртимиздаги йирик корхоналарнинг капиталлашув даражасини янада ошириш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш шулар жумласидандир

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 ноябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг Ўзбекистон тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз аҳолисининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг бўш пул маблағларини тижорат банкларига жалб этишга катта замин ҳозирлагани иштирокчилар томонидан эътироф этилди. Семинарда сўзга чиққанлар мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига тўхталиб, унинг ижросини таъминлаш молия соҳаси ходимлари зиммасига катта масъулият юклашини таъкидладилар.

**М. ҲАЙДАРОВ.**

# ИСТИҚЛОЛ ЗИЁСИДАН БАҲРАМАНД ЗАМИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истиқлол йилларида Навоий шаҳрида, айниқса, саноат тармоқлари жадал ривожланди. Бугунги кунда мазкур ҳудудда 16 та йирик саноат корхонаси, 17 та қўшма корхона фаолият юритаяпти. Биргина ўтган йили уларда 498,8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Президентимизнинг “2006-2008 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги Қарорига асосан, “Қизилқумцемент” очиқ акциядорлик жамиятида кўплаб янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, “Тизол-Н”да базальт толаси, “Авиценна”-да глюцицер эритмаси, “Бентонит”да эса бентоний кукуни тайёрлаш ўзлаштирилди.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўз маблағлари ва хорижий сармоялар ҳисобига Навоий шаҳрида юзлаб масъулияти чекланган жамиятлари, хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари ташкил этилди. “Қизилқум саховати”, “Таэлл Полмер синтез”, “Селикатинвест”, “Риком”, “Навоийферрокварц” каби корхоналар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг раҳнамолигида Навоийда, шунингдек, “Фарҳод” спорт саройи, “Дельфин” сузиш ҳавзаси, “Сўғдиёна” марказий стадионининг қайта таъмирланиши спорт равнақига катта таъсир кўрсатди. Атланта (АҚШ), Сидней (Австралия), Афина ва Хитойда ўтказилган ёзги олимпиададарда шаҳар ёшлари иштирок этиб, медаллар соҳиблари бўлгани шундан далолат беради.

Айни кунларда навқирон шаҳарда 179 та спорт иншооти ёшларга хизмат кўрсатмоқда. Бир нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, 50 дан зиёд халқаро, 200 га яқин республика тоифасидаги спорт усталари уларга сабоқ бермоқда.

Дунёдаги 40 дан ортиқ давлат билан иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда мустаҳкам алоқа ўрнатган мазкур шаҳарда шу йилнинг ўзида 5205 та янги иш ўрни яратилди. Янги уй-жойлар қуриш учун минг нафар фуқарога ер участкаси берилди. Қолаверса, “Ёшлар йили” Давлат дастури асосида 48 та ёш оилага тўрт қаватли уйнинг калитлари топширилди.

Коллежлар, мактаблар, бозорлар, тураржой биноларини барпо этиш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, тиббиёт ва сервис хизмати соҳаларини ривожлантиришда ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Бу улкан ўзгаришлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасидир.

Дарҳақиқат, Истиқлолнинг нурли офтоби навқирон шаҳарни бениҳоя гўзал, эъзозли, гуллар ва дурлар масканига айлантирди. Бундай шукуҳли ва серфайз гўша фақат Ўзбекистонда мавжуддир. Навоий шаҳри аҳли бундан ғурур ва ифтихорга тўлиб, янги-янги марраларни забт этмоқда.



**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи — қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг шу йил 21 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тизимдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.***

## *Мелиорация:*

# ЕР УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСЪУЛИЯТИ

Гап шундаки, ушбу Фармонга кўра, 2009 йилдан бошлаб республикамизда пахта экиладиган майдонларни қисқартириш орқали бошоқли дон экинлари майдонларини қарийб 50 минг гектарга кўпайтириш, зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган туман ва хўжаликларда сабзавот, мойли ўсимликлар ва полиз экинлари экиладиган ерларни кенгайтириш кўзда тутилган. Ана шу экинлардан юқори ҳосил олиш, ўз навбатида, жойларда суғориш ва мелиорация тизими ҳолатини, ҳудудларнинг сув билан таъминланиш даражасини янада яхшилашни ҳам тақозо қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали унинг унумдорлигини ошириш, шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил этиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида кейинги йилларда Президент Фармони ва қарорлари қабул қилиниб, улар изчил ижро этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада дастурламал вазифасини ўтамоқда. Мазкур ҳужжатда 2008-2012 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари белгилаб берилган бўлса, Президентнинг 2008 йил 19 мартдаги “2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарорида шу даврда мазкур дастурни амалга оширишнинг мақсадли параметрлари ва 2008 йилги мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилишнинг прогноз параметрлари маъқулланди.

Президентнинг 2007 йил 31 октябрдаги Қарорига кўра эса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 декабрдаги қарори асосида “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси, 2008 йил 7 майдаги қарорига мувофиқ, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналари ташкил этилди.

Хўш, бу кенг кўламли ва кенг миқёсли чора-тадбирлар қандай самаралар бермоқда? Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолияти билан танишган киши, масалан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида шу жамоа томонидан мелиоратив объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш бўйича тадбирларни молиялаштириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилганига ишонч ҳосил қилади.

▼ **Ислоҳот**

Бу жамғарма 2008 йилги Давлат дастурига киритилган 46 та мелиоратив объектни, шу жумладан, 12 та насос станцияси, 2 та дюкер, битта тўғон, 2 та шаршарани қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда бир магистраль коллекторни таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бормоқда. Ушбу объектлар бўйича тузилган шартномаларнинг умумий қиймати 41,5 миллиард сўмни ташкил этади. Шу маблағ ҳисобига жами 386,1 километр узунликдаги коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Унинг 260,4 километри ёки 23,1 миллиард сўмлиги жорий йилга тўғри келади. Ҳозирга қадар 208 та экскаватор ва 125 та бульдозер ёрдамида 168 километрлик коллекторлар қўлдан чиқарилиб, бу борадаги режа 100 фоизга бажарилди.

2008 йилги таъмирлаш-тиклаш ишлари режасига тўхталсак, унга республикамиз бўйича 429 та мелиоратив объект киритилган эди. Биринчи навбатда уларнинг 209 тасида иш олиб борилмоқда.

Шу йил 1 октябрь ҳолатига кўра, белгиланган объектларда 10126 километрлик ўрнига 10165 километрлик таъмирлаш-тиклаш юмушлари адо этилди. Айни кунларда ушбу йўналишларда 530 та экскаватор ва 140 та бульдозер ҳаракат қилмоқда.

Шу билан бирга, жамғарма ихтисослашган давлат сув қурилиши корхоналарига мелиоратив техникаларни сотиб олишда ҳам молиявий кўмак бермоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида шу мақсадлар учун 18,9 миллиард сўм ажратилгани бунинг тасдиғидир. Хитой Халқ Республикасининг "Liugong" компанияси билан тузилган шартнома асосида эса, ҳозиргача 114 дона экскаватор келтирилди. Уларнинг бари вилоятдаги ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарига етказиб берилди.

Бундан ташқари, яқинда жамғарма ва “Liugong” компанияси ўртасида қўшимча 54 та экскаватор ва 46 та бульдозер харид қилиш бўйича ҳам шартнома имзоланди. Бу техника воситалари ҳам йил охирига қадар пудратчи ташкилотлар ихтиёрига топширилади.

Айни чоғда жамғарма “Ўзмелиомашлизинг" компанияси билан лизинг асосида давлат унитар корхоналарига 18 та "ПДТП-200" русумли ёпиқ-ётиқ дренажларни ювиш ва 13 та пайвандлаш агрегатларини етказиб бериш бўйича шартномаларни тузиш ишларини амалга оширмоқда.

Умуман олганда, ўтган тўққиз ой ичида республикамиздаги мелиоратив тадбирларни молиялаштириш учун жамғарма маблағлари ҳисобидан жами 47,8 миллиард сўм ўтказилди. Шундан 18 миллиард сўми таъмирлаш-тиклаш ишларига, шу жумладан, 14,44 миллиард сўми коллекторларни механизмлар ёрдамида тозалашга, 0,86 миллиард сўми насос станциялари ва тик дренаж қудуқларини таъмирлашга, 2,6 миллиард сўми лойиҳа-қидирув мақсадларига, 10,3 миллиард сўми қурилиш-реконструкция объектларига, 1,9 миллиард сўми янги насос станцияларини барпо этишга, 393,2 миллион сўми лойиҳалаш юмушларига, шунингдек, 18,9 миллиард сўми мелиоратив техника ва механизмларни сотиб олишга йўналтирилди.

Кўриниб турибдики, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси янги мелиорация объектларини қуриш, эскиларини реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини молиялаштириш бўйича бир қатор тадбирларни рўёбга чиқариб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган устувор вазифаларни бажаришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Зеро, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, олдимизда турган муҳим вазифалардан бири, бу — еримиз, тупроғимиз унумдорлигини доимий равишда ошириш билан боғлиқ экани барчамизга яхши аён. Ушбу мақсадга эришиш учун ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдек ўта долзарб масалаларга эътиборни янада кучайтириш талаб этилади. 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурининг мақсадли параметрлари ижроси эса, пировардида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш орқали юртимиз аҳолисининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш йўлида кенг имкониятлар яратади.

**Икром ЎТБОСАРОВ.**

